

Коллежда ўкиб юрган кезларимизда, биз учта ўрток – тиришкок ўкувчиларнинг «учлиги» эдик. Бундай «учлик» лотинчадаги каби кучнинг уч марказда бўлиниши маъносида эмас, балки ўта сезувчанлик кобилиятининг уч кишида бўлинишини англатарди. Синфимизда режали сухбат, гипноз килиш, юз ифодасидан ичдаги гапни ўкиш каби одамни хайратга туширадиган «ноакадемик» таъкибларга кизикиш ва бундай «хунарлар» билан шугулланиш авж олганди. Гарчи бу борада омадимиз чопавермаса-да, лекин сир бой бермай, хунаримизни кўрсатишда давом этаверардик. Худди кайта-кайта харакат килиб, Эверест Чўккисига чикишни хоҳлаган, чунки «максади айнан ўша!» бўлган Маллорига ўхшаб, биз хам ана шунака гайриоддий хунарлардан бирини койилмаком ижро этишни, акалли бир бора бўлса хам, номига расмий равишда овоза бўлишни жуда-жуда истардик. ўтган сафар режали сухбат уюштиришга харакат киларканмиз, осмонга отганимиз танга бир марта «ха», икки марта «йўқ» томон билан тушди. Лекин бошка томондан, бунга сабаб тўртталовимиз хам биргаликда ва билган холда тангани бирортамиз ютказишимиздан умид килиб айлантирганимиз бўлди. Дархакикат, режали сухбат деганлари режали танга отишга айланиб кетди.

Бир куни орамизда гипнозчи бўлиб танилган Сидрат ётотхонада иккинчи курс талабасини гипноз килишга уринганда, у талаба хам Сидрат буюрган хамма нарсани худди сехрлангандай бажарди. Боладан ўмбалок ошишни сўралганида, гипнозланган талаба ўз танасини шундай кўттариб урдики, радио, ўтган йиллардаги кинонинг маглуб бўлмайдиган какажон кизи – юлдуз Мадхубаланинг рамкали сурати ва хонадаги бошка бир канча нарсалар асл ва конуний турган жойидан учиб-учиб тушди. Биз хатто Кишор Кумарнинг руҳи Мадхубаланинг суратини учирив юборганини худди баҳтиёрларга ўхшаб, Сидратнинг гипнозчи бўлиб янгича қахрамонлик кўрсатганига йўйиб кўя колдик.

Гипнозчи, яна канака денг: тан олинган ва тасдикланган, сехргарнинг нак ўзи! Энг кизиги, бундай кобилиятга эга киши бизнинг биттамиз эди...

Сидрат талабадан классик филмдаги кўшикни хиргойи килиб беришни сўради. Хиргойи хам хиргойи бўлди-да! Талаба Маннадейнинг «Лага чунри ме даг»ини шу кадар койилмаком ижро этди, гипноз килинган бизми ё у эканини билмай колдик.

Кейин мен унга куйлагини ечишга буйруқ бердим. У буйрукка жон деб «итоат киларкан», хотиржам охангда бирданига: «ўмбалок ошиш, мумтоз кўшик куйлаш ва куйлакни ечиш жуда ажойиб экан-а, лекин кўпам хомтама бўлаверманг, хозирча шундай, бундан кейин бунакаси кетмайди!» деди. Бу гапга хангуманг бўлиб, унга термулдик. Сидрат ўзича гипноз киляпман деб ўйлаган нарсасига халиги талаба атайнин ўзини билмаганга солиб, буйрукларни бажариб тургани энди бизга аён бўлди-колди. Энг ёмони, бу билан Сидратнинг гипнозчиликдаги мавкеини муддатидан илгари йўкка чикарди ва маҳв этди у баччагар!

Бирок, яна бир ихтирочи, топкир огайнимиз Маниш, хукукшунослик бўлими талабаси, Сидратнинг инкиrozидан кўркувга тушмади. У ўзини одамларнинг юзига караб ичидагини ўкиш бўйича билимдон деб юрарди. Маниш бундай хунарни эгаллашни келгусидаги хукукий фаолияти учун зарур деб билармиди, буниси аник эмас. Билганимиз шу эдикни, у юзига караб фол очадиган кишиларнинг кўпчилиги унга аллакачон таниш эди.

Бирок, бу сафар энди ковун туширмасликка карор килдик. Биз одамларнинг лабига караб ичидагини топиш бўйича кобилиятни ривожлантиришга карор килиб, шу мавзуга

тегишли «ўзинг килиб кўр!» номли китобни сотиб олдик. Шундан сўнг, товуш чикишига караб, лабларнинг кимирлашини, бурилишларини ўрганишни бошладик. Таажжубки, инсоннинг лаблари сўзларни талаффуз килганда турфа харакат килар ва бу харакатларни ўрганиш биз учун ўта кизик бир машгулот эди. Бу иш нуткимизни кўриклашнинг яна бир сабаби, дея окилона ўйладик биз. Шу тариқа лабдан ўкишнинг гаройиб оламига «хужумимиз» бошланиб кетди.

Бир хафта давом этган мутолаа ва айрим амалий машгулотлар лабдан ўкиш бўйича ўзимизга ишончни ортириди. Хатто телевизор ўрнатилган умумий хонамизда янгиликлар дастурини кўришда «кар ва соков» бўлиб, бошка талабаларни ўзимизга жалб этдик. Тез фурсатда хеч иккиланмай сухандоннинг лаб харакатлари ва улар талаффуз этаётган бўгинга караб, синхрон таржима килишга киришдик. Бир гал телевизорнинг овозини ўчириб, берилаётган фильмдаги актёрларнинг лаб харакатларига караб, уларни «гапиртириш»га уриндик. Аммо томошабинлар ковоги уйилиши хамоно телевизор овозини яна чикариб кўйдик.

Ахири лабдан ўкишнинг машкини олдик, деган карорга келдик ва буни текшириб кўрмокчи бўлдик. Янги эгалланган малакани шу якин орадаги қахвахонада синашга келишилди.

Коллеж худудидаги қахвахона турли маънодаги учрашув жойи сифатида танилган. Унда талабалар мухим бўлган имтихон хакида, мухимрок бўлган кўнгил сирлари билан ўртоклашиш ва ўта мухим бўлмаган коллеж хаёти тўгрисида сухбатлашишга йигилишади. Шунингдек, бу ўкишга бўглик бўлмаган учрашувлар, яъни «калбимда сизга нисбатан англаб бўлмас туйгулар уйгонди...» деган гапга столнинг нариги томонидан кизарган юз билан жавоб бериш ёки «жуда соз, лекин...» деган жавоблар кулич ёзадиган ёхуд йигитларнинг кизларга ойни олиб бериш билан бўглик куюк ваъдалари давом этадиган антика бир жойдир.

Биз атайин қахвахонадаги ёши ўзимиз билан тенг бўлган жуфтликларни синовимиз учун танлаганимиз йўқ, чунки ўзимиз аллакачон гувоҳи бўлган сўзларни лабдан укиб олишни истамадик. Шунинг учун 3-4 стол нарида ўтирган ўрта ёшлардаги эркак ва аёлни танладик. Улар бир-бири билан эркин ва кувнок холда гаплашиб ўтиришарди.

«Хотиржамгина ўтирган жуфтлик» деди орамизда ўзига «юздан ўкувчи» номини берган Маниш. Бу гап бизни халиги эркак ва аёлдан кайрилиб, Манишнинг енгига карашга мажбур килди; бир неча кун аввал уни дазмолда куйдириб олган, натижада тикувчи бир неча жойидан чатиб тикиб кўйганди.

«Лабдан ўкувчилар учун энг маъкул усул. Кани, энди бошлайлик!», дедим мен синовни ўзим учун ургулагандай охангда.

Халиги жуфтлик хамон ўзаро бир нималарнидир гаплашиб ўтирас, атрофдаги вокелар билан иши йўқдай эди.

Еркак аёлга «Мен йигирмани тўғирладим» деб айтди, дея кулди гипнозчиликдан лабдан ўкувчига айланган Сидрат. – Лекин унинг охирги сўзларини эшита олмадим.»

«У балки уйда йигирмата михни тўғирлаганини айтгандир» дедим мен ва кулиб юбордим. «У уйдаги машгулотларга кўшган хиссасини айтиётган бўлиши мумкин.» Шундай килиб, лабдан ўкиш бўйича шунча килган харакатимиз тахминга асосланган «балки», «ехтимол»дан нарига ўтмади, жумладан, бояги аёл ва эркакни эр-хотинга хам чикариб кўя колдик.

Аёл энди эркакнинг сўзига диккат билан кулок тутди, сўнг тездан нимадир деб эркакка гапирди.

«У «биринчидан» дея гап бошлади, лекин кейинги сўзларини илгай олмадим» деди бизнинг лабдан ўкувчимиз. – Эҳтимол, у «ўша пайтда» деган сўзни ишлатди.»

Енгилишни истамаганим учун унинг гапини бўлдим: «Балки аёл эркакка биринчи гал учрашувда каттик хаяжонлангани учун танбех бераётгандир.» «Балки», «еҳтимол» деган сўзлар шерикларим олдида мени уялишдан куткаарди.

«Бўлиши мумкин...», пичирлашди Сидрат билан Маниш фикримга кўшилгандай.

Жуфтлик сухбатини тугатиб, қахва учун оғитсиантга пул тўлади ва секин ўрнидан кўзгалди. Столимиз олдидан ўтаркан, эркак бизга якинрок келди ва шундай деди:

«Бизнинг сўзимизнинг баъзисини тўгри англадингиз, факат баъзисини холос. Яъни мен уйда йигирмата михни тўгиrlадим, деганим йўк. Мен бугун ўзимни йигирма ёшга яшаргандай хис киляпман, дедим.»

«Мен хам унга танбех бермаётгандим, кўшилди аёл кулимсираб, - мен унга йигирма йилча аввал биринчи марта мана шу қахвахонада учрашгандик, деб айтиётгандим. Сиз бўлса, мен фикрингизни ўкигунимча, айтмоқчи бўлганимни билишни истадингиз.»

Еркак шундай деб гапини тугатди: «Бизлар уччиға чиккан лабдан ўкувчилармиз. Омон бўлинг!»

Инглизчадан Аъзам Обидов ўғирди